

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.18.11.2019.I/Tar.94.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАДИЕВ БАҲРОМЖОН БАҲОДИРОВИЧ**

**МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ФАТВО МАРКАЗЛАРИ  
ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Historical Sciences**

<b>Мамадиев Бахромжон Баходирович</b> Муслмон мамлакатларидаги фатво марказлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари .....	3
<b>Мамадиев Бахромжон Баходирович</b> Центры по изданию фетв в мусульманских странах и их особенности.....	23
<b>Mamadiev Bakhromjon Bakhodirovich</b> Fatwa issuing centers in Muslim countries and their features .....	42
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.18.11.2019.I/Tar.94.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАДИЕВ БАҲРОМЖОН БАҲОДИРОВИЧ**

**МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ФАТВО МАРКАЗЛАРИ  
ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tar446 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) **Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iiaw.uz)** ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Исломов Зоҳид Маҳмудович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** .....  
тарих фанлари доктори, профессор  
.....  
тарих фанлари доктори, профессор

**Ётакчи ташкилот:** .....

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.18.11.2019.I/Tar.94.01 рақамли бир марталик илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_» ноябр соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: **100011**, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси 47-уй. Тел./факс: (+99871) 227-15-48; e-mail: info@cisc.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**\_\_** рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: **100011**, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси 47-уй. Тел./факс: (+99871) 227-15-48; e-mail: info@cisc.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**У.Уватов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори,  
профессор Уватов

**И.Бекмирзаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, тарих фанлари доктори,  
доцент

**Н.Мухамедов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, тарих фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ислом дунёсида уламолар томонидан чиқарилган фатволар (диний қарорлар) ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим аҳамият касб этиб, мусулмонлар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатувчи омил саналади. Қадимдан фатволар жамоавийлик касб этган ва бугунги кунда ҳам ушбу хусусият фатво марказлари томонидан қабул қилинмоқда. Фатволар асосида кўплаб ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш, айниқса мусулмонлар орасида пайдо бўлаётган тушунмовчилик ва низоларни бартараф этишда қўлланилаётгани ўзининг сезиларли самарасини бермоқда. Бироқ, сўнгги йилларда бузғунчи кучлар томонидан ислом дини нуқоби остида турли вайронкор ғояларни тарқатишда ҳам фатволар берилаётган ҳолатлар учрамоқда. Аксарият ривожланган мамлакатларда дин ва воқелик, уларнинг талқини ўртасида баҳсли мунозаралар қайд этилмоқда. Бу эса жаҳонда дин, айниқса, фатволар соҳасида тадқиқотлар давом этаётганидан далолат беради.

Миср, Саудия Арабистони, Туркия, Покистон каби мусулмон мамлакатларидаги фатво марказларида жамиятдаги тушунмовчиликлар ва низоларнинг олдини олиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор изланишлар олиб борилмоқда. Мусулмон мамлакатларида шариат меъёрларини замонавий шароитларга мослаштириш, бузғунчи мафкураларга қарши аҳолининг иммунитетини ошириш, миллий урф-одат ва халқларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишга қаратилган чоратадбирлар олиб бориш заруратини тақозо этмоқда. Марказий Осиё минтақасида ноанъанавий диний турмуш кечиришни ёқлайдиган ҳамда реал ҳаётдан узилиб қолган фуқароларнинг “йўналтирилган мақсадли ташвиқот”лари оқибатида “қайноқ нуқталар”га “ҳижрат”га чиқиб кетиши кузатилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Индонезия, Покистон, Миср, Туркия ҳамда Саудия Арабистони подшоҳлиги (САП) каби йирик суннийлик йўналишидаги мусулмон давлатлари томонидан мусулмонлар диний тафаккурини либераллаштириш, ислом қоидаларини бугунги кун шароитлари асосида тушунтириш каби муҳим масалалар юзасидан фатво берувчи марказларга доир тадқиқотлар мавзусини кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Бугунги Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш ва туб ўзгаришлар жараёни бошланди. Жамиятда “жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб, юксак инсоний фазилатларнинг шаклланиши кун тартибидаги долзарб масалаларнинг бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз” дея мавзунинг

муҳимлигига алоҳида эътибор қаратган<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, глобаллашув ва ахборот алмашинуви тезлашган даврда, фатволарни мусулмонларга илмий маълумотлар асосида етказишда динийлик ва дунёвийлик тамойилларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ислом тарихида уламолар фатволарининг аҳамияти ва долзарблигини тадқиқ этиш гуманитар, исломшунослик фанлари тизимида нисбатан янги йўналиш бўлиб, XX асрнинг охирида Европа ва Осиё мамлакатларида вужудга келди.

Фатволарни тадқиқ этишда хорижий олимлардан И.А.Васильев, В.В.Архипов, П.А.Гусенова, А.В.Ильин, И.Ю.Козлихин, Н.Г.Стойко, Я.Сковгард–Петерсен, М.Ван Бруинессен, Н.Капейн, Юсуф ал-Қардовий, Муҳаммад Ифзал, П.Зулиан, шайх Абдураззоқ ас-Саъдий, Фатхулла Асний<sup>2</sup> ва бошқалар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи // <https://prezident.uz/uz/lists/view/1063>

<sup>2</sup> Васильев И.А., Архипов В.В., Гусенова П.А., Ильин А.В., Козлихин И.Ю., Стойко Н.Г. и соавт. Основы теории и истории исламского права // Издательство Санкт-Петербургского университета. – Санкт-Петербург, 2018. – С. 110; Jakob Skovgaard–Petersen. Defining Islam for the Egyptian state: Muftis and fatwas of the Dar al-ifta, Leiden: Brill, 1997; Seyyed Vali Reza Nasr, Islamic Leviathan: Islam and the making of state power, Oxford etc.: Oxford University Press, 2001.; Bruinessen M. Comparing the governance of Islam in Turkey and Indonesia. Diyanet and the Ministry of Religious Affairs, S. Rajaratnam School of International Studies, Singapore, 2018. – P. 20.; Kaptein N. Fatwas and religious authority in Indonesia, introduced and presented by Nico Kaptein Jakarta, 2004. – P. 130.; Yusuf Al-Qaradawi: Islam and Modernity Paperback – January 1, 2009. – P. 162.; Muhammad Ifzal Mehmood. Fatwa in Islamic Law, Institutional Comparison of Fatwa in Malaysia and Pakistan: The Relevance of Malaysian Fatwa Model for Legal System of Pakistan, Department of Law, Faculty of Shariah and Law, International Islamic University, Islamabad, Pakistan, July 28, 2015.; Pradana Boy Zulian. Fatwa in Indonesia: an analysis of dominant legal ideas and modes of thought of fatwa-making agencies and their implications in the Post–New Order Period, National University of Singapore, 2015.; Шейх ас-Са’ди А. Метод вынесения фетв Абу Ханифы и его учеников. ИД "Хузур" - "Спокойствие", 2016. – С. 80.; Fathullah Al

Я.Сковгард–Петерсен “Миср давлати учун ислом тушунчаси: Дор ал-ифтонинг муфтийлари ва фатволари” деб номланган илмий ишида Миср фатво уйининг вужудга келиш тарихини ўрганган. Н.Капейннинг тадқиқоти ҳам мазмунан шунга яқин бўлиб, “Индонезиядаги диний ҳукумат ва фатволар” мавзусига бағишланган. Унда олим мазкур мамлакатда қабул қилинган фатволарнинг ҳуқуқий асосларини очиқ беради. Профессорлар шайх Абдураззоқ ас-Саъдий ва Муҳаммад Ифзал “Абу Ҳанифа ва шогирдларининг фатво бериш усули” ҳамда “Покистон ҳуқуқий тизими учун Малайзия фатво моделининг долзарблиги” мавзусидаги тадқиқотларида фатволар бериш методологияси ҳамда уларнинг мамлакатлар ҳуқуқий тизимларига мослиги таҳлил қилинган. Юқоридаги барча тадқиқотларда фатволар асосан ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Ўзбекистонлик уламолар Ш.Бобохонов, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Абдулазиз Мансур, шунингдек, тадқиқотчилардан И.Бекмирзаев, Л.Асророва ва бошқалар ушбу йўналишда илмий изланиш олиб борган.

Олимларнинг тадқиқотларида фатволар билан боғлиқ масалалар асосан тарихий нуқтаи назардан ўрганилган. И.Бекмирзаев ўзининг номзодлик диссертациясида Бурхониддин Маҳмуд Бухорийнинг “Ал-Муҳит” асари<sup>3</sup>даги фатволардан намуналарни таҳлил қилган, Л.Асророва ўз илмий ишида фатволарни аниқ манбалар ва тараққиёт даврига боғлиқ ҳолда кўриб чиқади<sup>4</sup>.

Шу кунга қадар олиб борилган илмий изланишларда фатволарнинг мазмун-моҳиятига умумий эътибор қаратилиб, уларнинг эълон қилиниш сабаблари, ўзига хослиги ва хусусиятлари юзасидан чуқур таҳлил олиб борилмаган. Шунингдек, фатво марказларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни деярли ўрганилмай қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ПЗ-20170929709-сон “Аҳли сунна эътиқоди тамойилларига мос бўлган ақоид (илоҳиёт) матнларининг ўзаро қиёсий таҳлили ва замонавий мафкуравий аҳамияти” ҳамда ПЗ-20170930317–сон “Глобаллашув жараёнида экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

---

Haq Muhammad Asni, Jasni Sulung, The Analysis of Practices and Methods of Fatwa Standardisation in Malaysia and Pakistan, The Islamic Quarterly, The Islamic Cultural Centre and London Central Mosque 146 Park Road, London, Second Quarter 1438/2017 – Volume 61 Number 2. – P. 299.

<sup>3</sup> Бекмирзаев И. Бурхониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “ал-Муҳит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни // Ўзбекистон халқаро ислом академияси. – Тошкент, 2009. – Б. 203.; Бекмирзаев И. X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар // Ўзбекистон халқаро ислом академияси. – Тошкент, 2017. – Б. 325.

<sup>4</sup> Асророва Л. Алоуддин Бухорий “Ҳайрат-ул-Фуқаҳо” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни // Ўзбекистон халқаро ислом академияси. – Тошкент, 2019. – Б. 159.

**Тадқиқотнинг мақсади** мусулмон мамлакатларидаги фатво марказлари фаолияти ва уларнинг долзарб масалалар юзасидан берган фатволарининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фатво марказлари фаолияти, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларида мувофиқликни таъминлаш механизмини баҳолаш;

суннийлик йўналишидаги йирик фатво марказлари фаолиятини ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

фатво марказлари томонидан атроф-муҳитни сақлаш ва тиббиёт масалалари бўйича берилган фатволарни қиёсий таҳлил этиш;

жамият ҳаётининг мулкӣ ҳамда оилавий масалаларни ҳал этишда фатво марказлари иштироки самарадорлигини аниқлаш, улар томонидан эълон қилинган фатволарнинг ислом дини тамойиллари ва замонавий ҳаёт тенденцияларига мувофиқлигини асослаш;

бузғунчи гуруҳлар томонидан тарғиб этилаётган ғоялар асосида расмӣ фатво институтларининг глобал экстремизм ва террорчиликка қарши курашдаги ўрни ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида етакчи мусулмон мамлакатларининг 10 та суннийлик йўналишидаги фатво марказлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни суннийлик йўналишидаги йирик фатво марказларининг фаолияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда мантиқӣ ёндашув, тизимли, муаммоли, мақсадли, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Миср, Туркия ва Саудия Арабистони каби давлатларда ижтимоӣ-маишӣ ва мафкуравий муаммоларнинг фатво орқали тартибга солиниши маҳаллий қонунларга асосланганлиги аниқланган;

замонавий фатво орқали келтирилган таҳлиллари, хусусан, экология, тиббиёт, оилавий ва иқтисодӣ масалалар ҳамда мутаассиблик, экстремизм ва конфессияларaro адоватни қўзғатишга қарши йўналтирилган хорижий фатво марказларининг ёндашуви ва тажрибалари асосида аҳолига ислом шариати меъёрларини тушунтириш бўйича маърифӣ фаолиятнинг янги механизмини (жамиятда мутаассибликнинг олдини олиш) қўллаш асослаб берилган;

Саудия Арабистонидаги гендер тенглиги, Туркия ва Индонезиядаги оилавий ва иқтисодӣ масалалардаги диний меъёрларни дунёвий қонунчиликка мослаштириш, Мисрдаги конфессияларaro қарама-қаршилиқни ҳал этиш каби масалалар бўйича шариат қонунларини фатво орқали модернизация қилиш тенденцияси очиб берилган;

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясига асосланган, ислом динининг мазмун-моҳияти, хусусан, унинг ижтимоий-диний муҳит барқарорлиги ва фатво мутахассисларини тайёрлашда маҳаллий давлат қонунчилик меъёрлари ва миллий урф-одатларга таянган ҳолда фатволар орқали шаръий меъёрлар шарҳини замонавий талабларга мослаштириш зарурати исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фатволар тайёрлашда давлат ва диний ташкилот ҳамкорлиги шакллари ҳамда фаолият механизмлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўртасидаги тизимли муносабатлар асосида аниқланган;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасаларида таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш юзасидан исломшуносликка доир билимларни ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, социология, психология фанларига интеграция қилган ҳолда ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ислом шариати тартиб-тамоийилларини замонавий тенденциялардан келиб чиқиб, жамиятдаги турли ҳаётий муносабат ҳамда муаммолар асосида аҳолига тўғри тушунтириб бориш бўйича тарғибот-ташвиқот механизми ишлаб чиқилган;

хориждаги фатво марказларининг тажрибаси асосида бузғунчи ташкилотлар фатволарига илмий нуқтаи назардан манбалар асосида тўғри раддиялар бериш орқали таъсир кўрсатиш усуллари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган қиёсий таҳлилларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ислом меъёрлари талқинининг замонавий ҳаёт талаблари асосида такомиллаштириш тенденциясига таянган ҳолда хулосаларнинг аниқ далиллар билан исботланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро, маҳаллий тадқиқотлар билан солиштирилганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фатво тушунчаси мазмунини, хусусан, дунёвий ва ислом урф-одатлари ўртасида юзага келадиган зиддиятлар жараёнида фатволарнинг тартибга солувчилик ролини, шунингдек, фатво марказлари билан ҳамкорлик механизмлари аҳамиятини, мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий тизим тури ва ислом мазҳабларидан келиб чиққан ҳолда фатво бериш усулларини кенгайтириш имконини беради.

Диний-маърифий фаолият жараёнида, шунингдек, фикҳий меъёрларни қўллаш ҳамда фатво институтлари орқали ижтимоий ва давлат

аҳамиятига молик масалаларни ўзаро уйғунлаштириш ва тартибга солишда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотдаги қиёсий таҳлил натижалари ислом дини билан боғлиқ ижтимоий масалаларни бевосита ёки билвосита тартибга солиш, мусулмонлар ўртасида сиёсий, диний ва маиший характердаги ихтилофлар юзага келишининг олдини олишга ва диний-маърифий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мусулмон мамлакатларидаги фатво марказлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Миср, Туркия ва Саудия Арабистони каби давлатларда ижтимоий-маиший ва мафкуравий муаммоларнинг фатволар орқали тартибга солиниши маҳаллий қонунларга асосланганлиги Ал-Азҳар мажмуаси ҳамда Миср Фатво уйининг жамиятда мутаассибликнинг олдини олиш стратегиясини амалга ошириш тажрибаси бўйича берилган хулосалар 2019 йил 11 декабрдан фаолият юритаётган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-порталидаги “Диний саволларга жавоб берувчи Колл-марказ”ини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 26 октябрдаги 1878-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний характер берилишнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

замонавий фатволар бўйича келтирилган таҳлиллар, хусусан, экология, тиббиёт, оилавий ва иқтисодий масалаларга оид, шунингдек мутаассиблик, экстремизм ва конфессиялараро адоватни қўзғатишга қарши йўналтирилган хорижий фатво марказларининг ёндашуви ва тажрибалари олий диний таълим муассасалар учун тайёрланган “Фатво бериш асослари ва фикҳий қоидалар”, “Замонавий масалаларнинг фикҳий асослари” каби фанлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 1 апрелдаги 2330-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар диний соҳа ходимларининг илмий салоҳияти ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этган;

Саудия Арабистонидаги гендер тенглиги, Туркия ва Индонезиядаги оилавий ва иқтисодий масалалардаги диний меъёрларни дунёвий қонунчиликка мослаштириш, Мисрдаги конфессиялараро қарама-қаршилиқни ҳал этиш каби масалалар бўйича шариат қонунларини фатволар орқали модернизация қилиш тенденцияси асосида диний уламоларга ижтимоий, тиббий, банк-молия, экология ва оилавий масалалар, шунингдек, фанатизм ва экстремизм билан боғлиқ муаммолар юзасидан замонавий фатволар бериш бўйича қўлланма ишлаб чиқилган. (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 9 апрелдаги 02/104-сон маълумотномаси). Ушбу қўлланма фатволарнинг ҳозирги кун талабларига мослигини тадқиқ этишга доир илмий ишларнинг долзарблигини кўрсатган.

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясига асосланган, ислом динининг мазмун-моҳияти, хусусан, унинг ижтимоий-диний муҳит барқарорлиги ва фатво мутахассисларини тайёрлашда маҳаллий давлат қонунчилик меъёрлари ва миллий урф-одатларга таянган ҳолда фатволар орқали шаръий меъёрлар шарҳини замонавий талабларга мослаштириш зарурати мусулмон мамлакатларидаги фатво марказлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “Рамазон тухфаси” ва “Ҳидоят сари” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 июндаги 02-13-668-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар ижтимоий-диний муҳит барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилувчи исломдаги олижаноблик, тинчликпарварлик ва инсонпарварлик каби улуғ фазилатларни тарғиб қилишга қўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мусулмон мамлакатларида давлат ва жамият қурилиши масалаларининг илмий-услубий тадқиқи”** деб номланган биринчи боби “Фатво” тушунчаси таҳлили ҳамда фатволарнинг ҳуқуқий аҳамияти бўйича таснифлаш масаласига бағишланган. Миср, Саудия Арабистони подшолиги, Туркия ва Покистон давлатлари тажрибаси асосида фатво институтларининг ҳар бир мамлакат ҳуқуқий тизимидан келиб чиқиб жамиятда тутган ўрни, уларнинг шаклланиш жараёни ҳамда сиёсий жиҳатлари ўрганилган. Фатво марказларининг ҳуқумат билан муносабати,

уларга нисбатан қўлланилган чеклов чоралари ва фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатишга бўлган уринишларнинг сабаблари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари, Покистон мадрасаларида талабалар фатво бериш учун етарли билим олмаётганлиги кўрсатади. Натижада диний қарорларни кенг жамоатчилик манфаатлари, реал ҳаёт талаблари ва жамият урф-одатларини ҳисобга олмаган ҳолда, мантиқий ёндашувсиз, Қуръони карим ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этиш асосида фатво чиқараётган муфтийлар пайдо бўлмоқда. Фатво марказларининг фаолиятини назорат қилиш мақсадида 2016 йилдан бошлаб Покистон ҳукумати диний қарорлар қабул қилиш ваколатига эга барча мадрасаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий қилган. Рўйхатга олишдан олдин мадраса мударрисларининг илмий ва маънавий салоҳияти ўрганилади ва шундан кейингина унга фатво бериш ҳуқуқини бериш масаласи кўриб чиқилади.

Юқоридаги чора-тадбирларга қарамай, Покистондаги суннийлик йўналиши мактаблари орасида Аҳли ҳадис (ханбалий мазҳаби тарафдорлари) билан Деобанд (анъанавий ҳанафий мазҳаби тарафдорлари) бир-бирига кескин қарама-қаршилик юзага келиб, деобандчилар Муҳаммад (с.а.в.)ни илоҳийлаштиргани боис ханбалийлар уларни мушрик деб атайдилар. Аҳли ҳадис ва анъанавий сўфийлик тариқати тарафдорлари бўлмиш барлавийлар ўртасида ҳам худди шундай зиддият мавжуд ва у бир қатор ички ҳамда ташқи омиллар таъсирида вужудга келган. Деобанд ва Барлавий мактабларининг шаклланишида сиёсий омиллар ҳам муҳим рол ўйнаган. Жумладан, Деобанд мактаби - ҳинд мусулмонлари раҳнамолигида, Барлавий мактаби эса Покистон мустақиллиги учун курашган тарафкаш гуруҳлар ташаббуси билан тузилган<sup>5</sup>. Шу ўринда, мамлакатда ҳукуматга хайрихоҳ Ислом мафқураси кенгаши ўзининг тартибга солувчилик вазифасини бажаришда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Покистон ҳукумати 2018 йилдан бошлаб Федерал фатво марказини тузиш йўли билан фатво марказлари фаолиятини марказлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Лекин давлат ва дин вакиллари ўртасида зиддиятлар сақланиб қолаётгани боис, бу уринишлар самара бермай келмоқда.

Мисрда ҳукумат тепасига “Мусулмон биродарлар” партияси вакиллари келганида қарама-қарши кайфиятдаги уламолар ўз ақидаларига эргашмаган мусулмонларни ўзларини портлатиш йўли билан жисмоний ўлдиришни қонунлаштириб қўйган эди. 2013 йилда мамлакатнинг янги президенти Абдул-Фаттах Ас-Сиси бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи ташкилотлар билан курашишда икки томонлама ёндашувни қўллади: бир томондан, ҳарбий ҳаракатлар воситасида террорчилар зарарсизлантирилган бўлса, иккинчи томондан ҳукумат Мисрдаги диний муассасалар, хусусан, ал-Азҳар ва Фатво уйи ишлаб чиққан стратегия асосида аҳолини бузғунчи ғоялардан қайтариш сиёсатини олиб боради. Фатво уйи томонидан хатто

---

<sup>5</sup> The Analysis of Practices and Methods of Fatwa Standardization in Malaysia and Pakistan – The Islamic Quarterly, The Islamic Cultural Centre and London Central Mosque, 146 Park, London, NW8 7RG, Second Quarter 1438/2017 – Volume 61 Number 2. – P. 169-173.; Собянин А. Религиозные организации экстремистского толка в Пакистане, 1 февраля 2001 // [http://conjuncture.ru/pakistan\\_01-02-2001/](http://conjuncture.ru/pakistan_01-02-2001/)

экстремизмга қарши курашишнинг янги усули сифатида “онлайн” фатво бериш хизмати жорий қилинган<sup>6</sup>.

Миср Фатво уйи шарият қоидаларига нисбатан мўътадил мавқени танлагани боис аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонди. Фатволарни тайёрлаш жараёни тартибга солиниб, мусулмон аҳолида бузғунчи ғояларга қарши мустаҳкам имменитет шаклланди. Натижада Миср ҳукумати Фатво уйининг фаолиятини монополлаштириш ва марказлаштиришга эришган.

2017 йилда Миср ҳукумати биткоинлар<sup>7</sup> билан савдо қилишни ноқонуний, деб топган. Миср бош муфтийси, шайх Шавқий Аллам криптопуллар сотувини тақиқлаш тўғрисида фатво бериб, ушбу қарорини “биткоинлар исломда ман қилингани ҳамда улар билан савдо қилиш фирибгарликка тенглаштирилгани” билан изоҳлайди ва “терроризмни молиялаштиришда криптопуллардан фойдаланиш эҳтимоли юқори” экани ҳақида ҳам огоҳлантирган<sup>8</sup>.

Саудия Арабистонида фатво бериш ваколати Олий уламолар кенгаши ҳамда мартабали шайхларга Вазирлар Маҳкамаси рухсати билангина берилади. Подшоҳ Абдулланинг 2010 йилдаги фармони билан фатволар устидан давлат назорати жорий қилинган. Бу ислохотлар, ҳукуматнинг дин вакиллари устидан назорати кучайишига олиб келди.

1990 йилда Подшоҳликнинг ҳарбий базалар жойлаштириш учун АҚШ ҳарбийларини таклиф этиш тўғрисидаги қарори аҳолини орасида норозилик ҳаракатлар бошланишига сабаб бўлди. Подшоҳ Фаҳд мазкур муаммони Олий уламолар кенгашининг АҚШ ҳарбийлари Подшоҳлик ҳудудига кириб келишини оқлайдиган фатвосини чиқариш йўли билан ҳал қилган<sup>9</sup>. Мазкур фатвода Қуръони каримнинг Нисо сураси 83-ояти асос қилиб олинган: “Уларга (жанг майдонидан) омонлик ёки хавфли иш (хабари) келса, уни ёйиб юборадилар. Агар уни Пайғамбарга ёки ўзларидан бўлган амирларга етказсалар, уни билиб олишни истовчилар ушалардан (сўраб) билаверар эдилар. Агар сизларга Оллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаса эди, озчиликдан ташқари, (кўпларингиз) шайтонга эргашиб кетган бўлар эдингиз”<sup>10</sup>.

Тадқиқотда бузғунчи ташкилотларнинг фатво бериш йўли билан ташқаридан таъсир кўрсатиш ҳаракати аниқланди. 1996 йилда хориждаги салафий оқимига мансуб диний ташкилотларнинг йўриғи билан Малайзия уламолари “шиалик — асл исломдан оғишлик, эканини” уқтирувчи қатор фатволар чиқариб, мамлакатда суннийлар ва шиалар ўртасидаги ихтилофнинг янада кучайишига сабаб бўлган. Сурияда 2012 – 2015 йиллар бўлиб ўтган можароларда, Малайзиядаги салафийлар шиа мазҳабига мансуб Башар Асад суннийларни таҳқирлаётгани тўғрисида хабар тарқатиб,

<sup>6</sup> <http://www.dar-alifta.org/Foreign/default.aspx?LangID=2&Home=1>

<sup>7</sup> Криптографик усулда яратилиб, бошқариладиган рақамли валютанинг бир тури.

<sup>8</sup> Bitcoin is forbidden in Islam: Mufti's counsellor», Egypt Today, Dec. 31, 2017 Электронный ресурс Режим доступа: <http://www.egypttoday.com/Article/1/38992/Bitcoin-is-forbidden-in-Islam-Mufti-s-counsellor>

<sup>9</sup> <https://www.aljazeera.com/news/middleeast/2011/03/201136154752122275.html>

<sup>10</sup> Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржимаси // Тошкент ислом университети. – Тошкент, 2001. – С. 91.

мусулмонларни ҳукумат армиясига қарши “жиход”га даъват қилган. Ҳозирги кунда Малайзия сиёсий доиралари масаланинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда шиаларга бўлган нафратни бостириш мақсадида уламолардан юқоридаги фатволарини бекор қилишни талаб қилмоқда.

Туркияда фатво бериш ҳуқуқига конституцион орган – Дин ишлари бошқармаси «Диёнат» эга. 2002 йилда ҳукумат тепасига Адолат ва тараққиёт партияси вакиллари келиши билан «Диёнат»нинг мамлакатдаги мавқеи янада ошди. Туркия муфтийлари ижтимоий масалалар юзасидан фатво бериш ҳуқуқига эга. Жиддийроқ муаммолар бўйича фақат «Диёнат» ҳузуридаги Дин ишлари бўйича олий кенгаш фатво бера олади.

2017 йилнинг октябрь ойида Туркия парламенти муфтийларга келин-куёвларни никоҳдан ўтказишга руҳсат берувчи қонунни қабул қилган эди. Ҳуқуқ ҳимоячилари янги қонун сабаб жамиятда аёллар мавқеининг тушиши ҳамда вояга етмаган қизларни турмушга узатиш ҳолатлари кўпайиши мумкинлиги ҳақида хавотир билдирган<sup>11</sup>.

Мусулмон давлатларида биринчидан, анъанавий ислом дини ҳамда давлат сиёсатига зид фатволар берилишининг олдини олиш, иккинчидан, диний қарорлар ёрдамида ҳукумат учун долзарб масалаларни тартибга солиш мақсадида фатво институтларининг фаолияти марказлаштирилмоқда. Ушбу мамлакатларда давлат фатво марказлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида улар билан ҳамкорлик олиб боради. Бундай ҳамкорлик самараси ўлароқ, соҳада махсус давлат органлари ташкил этилиб, фатво марказлари уларга бўйсундирилган.

Диссертациянинг **“Фатво марказлари фаолиятининг қиёсий таҳлили, уларнинг ўзига хослиги ва бир-биридан фарқли жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида фатво марказларининг вужудга келиш босқичлари, уларнинг тузилмаси ҳамда ўзига хосликлари кўриб чиқилган. Фатво марказларининг ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлиги қиёсий таҳлил қилиниб, бир-биридан фарқли жиҳатлари аниқланди. Уларнинг сиёсатга жалб этилганлик даражаси ҳам ўрганилди. Консерватив уламоларнинг бир-бири билан рақобатлашиш тенденцияси ҳамда жамиятни радикаллаштиришга бўлган уринишлари кўриб чиқилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Индонезиянинг ҳуқуқий тизими анъанавий, ислом ва Нидерландия давлати ҳуқуқ тизимларининг қоришмасини ифода этади<sup>12</sup>. Туркия ва Индонезияда фатво марказлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Индонезия президенти Сухарто даврида давлат либерал дунёқарашга эга диний кадрларни тайёрлаш жараёнида Индонезия уламолар кенгаши (MUI) фаолиятига

---

<sup>11</sup> Martin Van Bruinessen. Comparing the governance of Islam, in Turkey and Indonesia Diyanet and the Ministry of Religious Affairs // S. Rajaratnam School of International Studies. – Singapore, 3 may 2018. – P. 9

<sup>12</sup> Pradana Boy Zulian. Fatwa in Indonesia: an analysis of dominant legal ideas and modes of thought of fatwa-making agencies and their implications in the Post–New Order Period // National University of Singapore, 2015. P.73-75

рахнамолик кўрсатган<sup>13</sup>. Сухарто истеъфосидан сўнг мазкур Кенгаш ҳукуматдан ажралиб чиқиб, консерватив сиёсат олиб борган ҳолда ўз фатволари мажбурий характерга эга бўлиши учун кураша бошлайди ва ўз олдига исломни поклашни мақсад қилган<sup>14</sup>.

Nahdlatul Ulama мусулмонлар орасида оммалашган ханбалий тариқатига жавобан тузилган бўлиб, анъанавий диний оқимларни қўллаб-қувватлайди.

Индонезия фатво марказлари фатволарида бир-бирига зид кўплаб жиҳатлар мавжуд. “Фикрлар хилма-хиллиги, либерализм ва таъмагирликни таъқиқлаш”, “сектантлик ҳамда аҳмадия, шиалик каби диний оқимлардан оғишлик” ҳамда “қамарий тақвим тўғрисида”ги фатволар шулар жумласидан. MUI кўпроқ анъанавий қадрият ва урф-одатларни сақлашга эътибор қаратади, Nahdlatul Ulama давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди, Муҳаммадия эса ханбалий тариқатини тарғиб этишга интилади. Ушбу ташкилотлар ўз фаолиятига турлича ёндашгани боис аҳолида ёт ғояларга қарши иммунитет сусайиб бормоқда.

Саудия Арабистонида ҳам зиддиятли фатвларда келтирилган асос ва далиллар кескин танқидга учрамоқда. Саудия шайхларининг “тўдакни она кўкрак сути билан эмизиш шарт экани”ни қонуний деб тушунтирувчи фатвосини аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаоллар томонидан қораланганди. Шундан сўнг ҳукумат фатво бериш ҳуқуқига эга уламолар доирасини қисқартиришга мажбур бўлди.

Подшоҳ фармони билан замонавий талабларга жавоб бермайдиган, баҳсли, мазмуни бузилган ҳамда маънан эскирган фатволардан фойдаланиш таъқиқланди. Ушбу қонидани бузганлик учун жазо чоралари белгиланди. Олиб борилган ислоҳотлар, бир томондан, САПда уламоларнинг мавқеини бирмунча тушириб юборган бўлса, иккинчи томондан, уларни замонавий қарашлар асосида фатво чиқаришга мажбур қилди ва фатво бериш ҳуқуқига эга уламолар сони камайди.

САПда чиқарилаётган фатволарни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси мамлакатдаги урф-одатлар, гендер масаласига доир стратегияни сақлаб қолишга қаратилган бўлса, иккинчиси бугунги кун талабларига мослаштириб чиқараётган фатволарни киритиш мумкин. Иккинчи тоифадаги фатволар салмоғи валиаҳд Муҳаммад бин Салмон жамиятни бузғунчи ғоялардан қайтариш сиёсатини юрита бошлаганидан сўнг кўпайди. Натижада саудиялик уламолар аёллар ҳуқуқлари, санъат ва кўнгилочар соҳаларни чеклаш борасидаги аввалги фатволарда баҳсли жиҳатлар борлигини тан олди.

Айни вақтда жамиятда бағрикенглик тамойилига асосланган қарашларни қарор топтириш САП фатво институти олдидаги асосий вазифа

<sup>13</sup> Martin Van Bruinessen. Comparing the governance of Islam in Turkey and Indonesia, Diyanet and the Ministry of Religious Affairs // no. 312, s. Rajaratnam School of International Studies. – Singapore, 3 may 2018. – P. 2-22

<sup>14</sup> Moch. Nur Ichwan. Towards a Puritanical Moderate Islam: The Majelis Ulama Indonesia and the Politics of Religious Orthodoxy, in Martin van Bruinessen (ed.), Contemporary Developments in Indonesian Islam: Explaining the “Conservative Turn // Institute of South East Asian Studies. – Singapore, 2013.

ҳисобланади. Фатволар замон талабларини эътиборга олган ҳолда қайтадан чиқарилмоқда. Жумладан, аёлларга ишлаш, сайловларда иштирок этиш, автомобиль бошқариш, жамоат жойларида ёпинчиқсиз кўринишга рухсат берувчи бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Подшоҳлик валиаҳдининг ёпинчиқ масаласидаги: “Умуммусулмон ахлоқи кийинишда бирор бир чекловлар жорий қилмаган ҳолда сиполик ва хушхулқлик тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Либос маҳаллий халқ маданияти ва муҳитининг ифодаси ҳисобланади. Мавритания ёки Судандаги аёлларнинг кийимларини Чеченистон ёки Эронда яшайдиган аёлларнинг либосларига таққослаб кўринг. Улар ўзида туб аҳоли маданиятини акс эттиргани боис, бир-биридан кескин фарқланади”, деган фикри ижобий натижалар бера бошлади<sup>15</sup>.

Туркияда Мустафо Камол Отатурк ғояси тарафдорлари томонидан дунёвийлаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Дин ишлари бўйича бошқарма давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солади ҳамда Индонезиядаги фатво институтидан фарқли ўлароқ, мазкур соҳада яккаҳоким ташкилот ҳисобланади. Аввалига «Диёнат» аҳолидаги консерватив қарашларни жамиятни модернизациялаш жараёни билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Натижада мамлакатда маргиналлашган<sup>16</sup> консерваторларнинг ижтимоий фаоллик доираси кенгайиб, улар давлат аппарати устидан назоратни қисман ўз қўлига олди. Ҳозирги кунда «Диёнат» чиқараётган фатволар ҳукуматнинг қайта исломлаштириш сиёсатини ўзида ифода этмоқда.

Туркия ва Индонезиядаги уламоларнинг нотўғри талқин қилишлари сабабли ушбу давлатлар аҳолисининг муайян қатламлари фатвони мажбурий меъёр сифатида қабул қилади. 2010 йили Жакартада ўтказилган Миллий мажлисда МУИ вакили Мусо Амин фатволарни суиистеъмол қилганлик учун жазо тайинлашни таклиф қилган эди. Бу каби фикрлар аҳолида нотўғри қарашларнинг шаклланишига олиб келмоқда<sup>17</sup>.

Покистонда қабул қилинаётган ҳар янги қонун Ислом мафкураси кенгаши томонидан маъқулланиши шарт. Ушбу орган дунёвий қонунларнинг шариатга мувофиқлигини текширади. Мамлакатда фатво беришга ихтисослашган учта ташкилот – Деобанд мадрасаси, Барлавий ва Аҳли ҳадис марказлари мавжуд. Бу жиҳатдан Покистон модели Индонезияникига анча яқин, хусусан, Аҳли ҳадис йўналиши Индонезиянинг Муҳаммадиясига ўхшаб ҳанбалия мактаби ақидаларига қатъий амал қилади. Деобанд ақидасига Ҳиндистондаги аксилпокистончилар асос солган. Уларнинг бош мақсади — мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш ва ҳозирги Покистоннинг мустақил давлат сифатида Ҳиндистон таркибидан ажралиб

---

<sup>15</sup> <https://english.alarabiya.net/en/views/news/middle-east/2018/03/31/The-fatwa-is-not-new-but-the-climate-is.html>

<sup>16</sup> Маргиналлашув (магинализация) - одамнинг руҳиятида маълум из қолдирган ҳар қандай ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги позицияси "чегара чизигини" англатувчи социологик тушунча.

<sup>17</sup> Mozaffar Hossain. The story of fatwa // International Journal of Postcolonial Studies. January 1, 2011. – P. 237-242

чиқишига йўл қўймаслик эди. Барлавий эса, аксинча, Покистон озодлиги учун курашганлар томонидан ташкил этилди. Индонезиядаги Nahdlatul Ulama ва Муҳаммадия фатво марказлари ҳам ўз вақтида худди шундай сиёсий мақсад асосида вужудга келган эди.

Фатво институти Туркия ва Миср ташқи сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Буни мазкур марказларнинг хориждан йўлланаётган мурожаатлар билан ишлаши ҳамда ўз медиа ресурсларини 10 га яқин тилда ташкил этганида кўриш мумкин. Бундай очиқлик хорижий фатволар матнлари билан бемалол танишиш имконини бермоқда. Бироқ баъзи ҳолларда улар бошқа мамлакатларнинг иқлим шароити, маҳаллий урф-одат ва анъаналари, диний ҳамда давлат ташкилотларининг ички сиёсатини инобатга олмаган ҳолда, кўр-кўрона ўзлаштирилиш ҳолати ҳам мавжуд.

Фатво марказлари фаолиятининг қиёсий таҳлили барча мусулмон мамлакатларида ҳукумат фатво чиқариш жараёнини марказлаштириш ва монополлаштиришга ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Долзарб масалалар юзасидан чиқарилган замонавий фатволарнинг илмий таҳлили”** деб номланган учинчи боби экология, тиббиёт, оилавий, мулкӣ масалалар юзасидан чиқарилган фатволар ҳамда террорчи ва экстремистик ташкилотларнинг диний қарорларига бағишланган.

